

ХАЛИЛОВ Жамшид
Бухоро давлат университети
мустақил тадқиқотчиси
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
ark-bukhara@yandex.ru

БУХОРО МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИДА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ НАМУНАЛАРИ

ПРИМЕРЫ РЕЗЬБЫ ПО ДЕРЕВУ В АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКАХ БУХАРЫ

EXAMPLES OF WOOD CARVING IN ARCHITECTURAL MONUMENTS OF BUKHARA

Аннотация: Мазкур мақола Бухоро давлат музей-қўриқхонаси кўргазма ва фонд сақлов хоналарида турган Бухоро ёғоч ўймакорлиги мактабининг ноёб санъат асарлари намуналари-деворий намоён, икки табақали “Бағдоди” ва “Убайдий” эшик ва дарвозалар, Улугбек мадрасасида битилган китоба, Сайфиддин Боҳарзий сағонаси, Қуръони карим оятлари битилган бамбун новдалари, матоларга нақш босиш учун қолиблар, шунингдек Бухоро амирлигида фаолият юритган машхур чўпқори усталар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ўймакорлик, “Бағдоди”, “Убайди”, китоба, “чити-чатти”, қолиб, мадраса, сағона, ҳадис.

Аннотация: В статье представлены уникальные произведения Бухарской школы резьбы по дереву, хранящиеся в экспозиции и фондах Бухарского государственного музея-заповедника. Среди них: панно для украшения стен, двустворчатые двери и ворота в стиле «Багдади» и «Убайди», хадис, вырезанный на воротах медресе Улугбека, деревянное надгробие Сайфиддина Бохарзие, а также резные бамбуковые ветви с аятами Корана.

Ключевые слова: Резьба, «Багдади», «Убайди», панно, «чити-чатти» (стиль набойки), калиб(деревянный печат для ткани), медресе, надгробие, хадис

Annotatsiya: This article is a unique artwork of the Bukhara school of wood carving, located in the exhibition and storage facilities of the Bukhara State Museum-Reserve - panels for decorating the wall, double-leaf doors and gates in the style of “Baghdadi” and “Ubaidi,” a hadith written in the gates of the Ulugbek madrasah, a wooden tombstone of Saifiddin

Boharziy, about bamboo branches on which the verses of the Qur'an are written.

Keywords: Carving, “Bagdodi”, “Ubaidi”, panels, “chiti-chatti” (the style of the stuffing), kalbi (wooden printing for fabric), medrese, tombstone, khadis.

КИРИШ

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқининг энг қадимги амалий санъат турларидан бўлиб, бу хунар Ўрта Осиё ҳудудларида қадимги даврдан бошланиб, бугунги кунга қадар ривож топиб келмоқда. Ёғоч ўймакорлик санъати намуналари қадимий шаҳарлар вайроналаридан археологик қазилмалар жараёнида жуда кўплаб топилмоқда. Бундан ташқари қадимий шаҳарлардаги бизнинг кунгача сақланиб қолган аҳоли уй-жойлари эшик-даразалари, дарвозалар, ёғоч устунлар ва уй-рўзгор учун тайёрланган турли ёғоч буюмлар бу хунарнинг қанчалик муҳим ва керакли бўлганлигини кўрсатиб туради. Хива, Бухоро, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг ўймакор усталари ёғочдан буюмлар ясаб, уни юксак бадиий безак бериб, санъат даражасига етказганлар. Эшикларни “Бағдоди” ва “Убайди” услубида тайёрлаш айниқса Ўзбекистон ҳудудида кенг урфга кирган бўлган. Йирик ёғоч буюмларни тайёрлашда уларда арабий ёзувларда турли битиклар, “Қуръони карим” оятлари, ҳадислардан намуналар ўйиб ишланган. Маҳсулот табиий бўлиб, унда маҳаллий ёғоч намуналари – тут, ўрик, қайрағоч, ёнғоқ, тол ва теракдан фойдаланилган. Айниқса қайрағочдан қилинган ёғоч буюмлар чидамлилиги билан ажралиб турган.

АСОСИЙ ҚИСМ

1911-1918 йиллар оралиғида бунёд этилган манғит амирларининг ёзги саройи “Ситораи Мохи-Хосса” нинг бош биносидан ўрин олган маҳобатли “Саломхона” айвони, “Шатранжхона”, “Зиёфатхона”, “Мирзохона” ва “Чойхона” Бухоро ёғоч ўймакорлигининг юксак даражасини кўрсатади. Ушбу хоналарни безатиш ишларида бухоролик усталар Каримжон Самадов (Тахта), Абдулла Ғафуров, дурезгар уста Қори Чўбин, Жўра Харрот, уста Хўжакул ва уста Ҳожи Қурбонлар безатганлар. Хоналар деворларига Россиядан келтирилган ойналар ва Франциядан келтирилган турлитуман рангли шишалар устидан ёғоч билан ҳандасавий “гирих” безаклар берилган.

Айникса, “Шатранжхона”нинг икки деразаси юқори қисмидаги китобаларда форс тилида араб ёзувида мадҳия ёзилган. [1.9].

Жануб томон китобадаги мадҳия:

Зи авжи маодилат тарихи у шуд

Ажаб шохоне қаср-и ноз парвар – ҳиж. 1333.

Яъни:

Адолат авжида бўлди унинг тарихи

Ажойиб ноз парвар шохнинг қасри

(ҳиж. 1333-мил. 1914-1915 йилларда қурилган).

Шимол томон китобадаги мадҳия:

Ба саъи шахриёр адл гуистар

Маз ин гашт ин хонаи базивар

Яъни:

Адолатнинг ёйилмиш даврида шахриёрнинг саъи ҳаракати билан бу хона нозик безатилган деб таъкидланган.

“Бухоро ёғоч ўймакорлиги санъати тарихи” музейи экспозициясида турган инвентарь рақами № 450/7 бўлган олти қиррали китоба ёғоч ва садафдан инкрустация усулида тайёрланган бўлиб, музейнинг ноёб ашёлари таркибига қиради. [2.167].



Ушбу китобада “Ё Али” ёзуви садаф ичида ёзилган.

VII асрнинг охиригача маҳаллий халқ ўртасида ёғоч ўймакорлиги жуда тез суръатлар билан ривожланган. IX-X асрларда ҳам бу санъат гуркираб яшнади. XIII асрда муғуллар босқини натижасида ўймакорлик санъати таназзулга юз тутди. XIV аср II ярмидан Темурийлар сулоласи ўрнатилган сўнг бошқа ҳунармандчилик турлари қаторида ёғоч ўймакорлиги ҳам гуркираб ривожланди. Кўплаб тарихий обидаларнинг шифтлари, эшик-дарвозалари ноёб ўймакорлик билан безак берилди. Турли ёғоч ўймакорлик

мактаблари вужудга келди. Шулар қаторида Бухоро мактабига ҳам асос солинди. XVI-XVII асрнинг биринчи ярмида Бухоро ёғоч ўймакорлиги мактаби юксак ривожланди. Бухоро пойтахт шаҳар мақомини олгач аниқ тарихий – сиёсий шароит шаҳарсозликнинг ривожланишига олиб келди. Масжид, мадраса, шунингдек, минбарлар, эшиклар, сағаналарни бадий безашда ёғоч ўймакорлигидан кенг фойдаланилади. Йирик қўламдаги гириҳ турида бажарилган ноёб нақшлар Масжиди Баланд, Хўжа Зайниддин хонақоси, Убайдуллоҳон сағанасини нақшинкор зийнатлаган. Ёғоч ўймакорлигида ўсимликсимон нақшларнинг сероблиги Кўкалдош ва Абдуллоҳон мадрасаларининг дарвозалари учун хосдир. Бухоро ёғоч ўймакорлиги мактабининг умумий бадий услубда гириҳ устунлик қилади. Буни XIV асрдан бошлаб Сайфиддин Боҳарзий ва Чашмайи Аюб мақбаралари сағаналарида кузатиш мумкин.

Машхур шайх, шоир ва илоҳиётчи олим Сайфиддин Боҳарзийнинг мақбараси шаҳарнинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. У 1190 йилда Хуросонда (Эрон) туғилиб, 1261 йилда Бухоронинг Фатҳобод қишлоғида вафот этган. Гўрхонадаги сағонадан топилган ўймакор ёғоч дахмага муғуллар босқинини ўз бошидан кечирган машхур шайхнинг ҳаёт саналари битилган. [3.73].



Сайфиддин Боҳарзий сағанасининг бир қисми.

Ёғочга бадий берувчи усталар санъати кенг қўламда – меъморий қисмлардан то майда буюмлар: қаламдон, лавҳ тайёрлашгача бўлган ишларда асқотган. Безакнинг гўзаллигини, чинор манзарасини очиб берувчи силлик, сайқал берилган буюмлар билан бир қаторда ҳукмдорларнинг сербезак тахтлари, зодагонларнинг уй жиҳозлари, тахтиравонлар ҳам тайёрланган. Бу мактаб ёғоч ўймакорлиги ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жимжима нақшларни олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан

фойдаланиш билан ажралиб туради. Нақшларни ёғоч тахтада ўйиб ишлашда “искана”, “нова искана” (ярим айлана шаклдаги тиғли асбоб), “балиқ сирт” (тиғи ёй шаклдаги тиғли асбоб) ва “тўғри искана” (кескичи тўғри тиғли асбоб), “ковза искана”, “замин қалам”, “морпеч искана”, “чекма искана”, “куракча искана”, “чекма қалам”, “хаткаш”, “турзи” (тиғи майда тишли бўлган асбоб) лар ишлатилади. Ёғоч ўймакорлигида усталар қадимдан уч услуб асосида – “бағдоди” (геометрик шаклда ўйилган нақш), “паргори” (циркуль ёрдамида чизиб ўйилган нақш), “ислими” (ўсимликсимон нақш тури) бажарилади. [4.240].

Бухоро давлат музей- қўриқхонаси “Ёғоч ўймакорлиги” сақлов фондида инвентарь рақами № 1485/13, 1486/13, 1487/13 ҳамда 1490/13 остида турган экспонатлар [2.74]. “Шайхул Олам” Сайфиддин Боҳарзий мақбараси шифт қисмига тегишли ҳамда буюк шайхнинг қабри устида ўрнатилган сағона каби экспонатлар ўймакорликнинг нозик жиҳатларини ўзида мужассам этган. Баъзи қисмлари алоҳида элементлардан йиғилган ҳамда ўймакорликнинг “ислими” ва “тирих” услуби билан бир қаторда наққошлик билан безатилган.

Ҳозирги кунда қадимий ёғоч ўймакорлиги намуналарини меъморий обидалар билан биргаликда музейларда ҳам учратиш мумкин. Бухоро давлат музей- қўриқхонасида XIV асрга хос Сайфиддин Боҳарзий мақбараси сағонаси бўлаги, XVI асрга тегишли бўлган Улуғбек мадрасаси (1417 йил қурилган) дарвозасидаги ёғоч битик сақланади. [2.17].



Ушбу китобада Мирзо Улуғбек қуйидаги ҳадисни ёзишни буюрган: **“Талабул илми фарийзатун ала кулли муслимин ва муслиматин».** Маъноси: **“Илм талаб қилиш ҳар бир мўмин эркак ва мўмина аёл учун фарздир”** (Таржимон А.Ахмедов)

Мазкур ашёлар ёғоч ўймакорлигининг ўта нозик жиҳатлари билан тайёрланган.

Мураккаб, чуқур ва кўп қатламли, геометрик ва ўсимликсимон нақшларни ўйиб ишлаш каторида эпиграфик ёзувларни ҳам маромида етказиб ишлашда устандан юксак маҳорат талаб этилган.

Бухоро хаттотлик санъати музейида инвентарь рақами № 32700/13 остида турган бамбук бўлагиди тиш ва бош оғриғига даво бўлувчи Қуръони карим оятлари битилган[2.74].



“Бухоро ёғоч ўймакорлиги санъати тарихи” музейи экспозициясида турган инвентарь рақами №23977/11 бўлган китобада ўймакорлик санъати орқали ҳадис битилган. [5.74].



Ёғочга ўйилган китоба

Унда қуйидаги ҳадис битилган: **“Қолан набиййу алайҳис салом: Аввалу ма юхасабул абду ас- солат”.** Таржимаси **“Пайгамбаримиз с.а.в.дедилар: банда биринчи бўлиб намозидан сўралади”** (Таржима А.Ахмедовники)

Шунингдек, музей сақлов фондлари ва экспозицияларида кўп миқдорда ёғоч қолиплар намоишига қўйилган. Кўпчилик сайёҳлар ушбу ашёлар нима мақсадда қўлланилганлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар. Хўш, ушбу ёғоч ўймакорлиги буюмлари қандай вазифани ўтаган?

Мазкур ёғоч қолиплар ипак (“Қалғай” рўмол) ва пахталик матолар-“читти-чатти” (набойка), шунингдек чармга нақш босиш (кемухтгар) да ишлатилган. Уларнинг ҳар бири турли вазифани ўтаган. Масалан, гул кўрпани тайёрлашда худди каштачилик буюми сўзанида бўлгани каби бир неча хошия ишланган. Ҳар бир хошия алоҳида нақш услубига эга бўлиб, улар учун алоҳида қолипдан фойдаланилган. Баъзи қолипларда якка нақш берилса, баъзиларида майда ўсимликсимон ёки геометрик нақшлар ишланган. Доира кўринишидаги нақшни туширишда эса айлананинг $\frac{1}{4}$ қисмига тенг нақш ишланган ва матода кетма-кет тарзда тўрт марта босилган. Пахталик матолар қўлда тўқилган косибий дағал бўздан ишланган бўлиб, эни 25-30 см бўлган. “Читгарлар” (“Читти-чатти”) мазкур матонинг бир неча бўлагини олиб, бир-бирига бирлаштиришган ва шундан сўнг унга нақш босиш ишларини бажаришган. Тайёр маҳсулот бозорларда олиб чиқилган ва маҳаллий аҳоли ундан кўрпа, кўрпача, даврихона ва сандал кўрпа тайёрлаш учун сотиб олишган. Нақш босилган қисми мазкур буюмларнинг юза қисми учун фойдаланилса, ост қисми – астари учун оддий, асосан йўл-йўл чизикли нақш туширилган худди шундай матодан фойдаланилган. Сандали-танча учун асосан тўрт томони тенг, яъни квадрат кўринишида кўрпа тайёрланган. Гулкўрпа билан савдо қилувчи Читти-чатти саройи Лаби Ҳовуздан Токи Заргаронга боровчи йўл устида жойлашган эди. [6.123].

Қолиблар ҳатто ҳар бир ранг учун ҳам алоҳида тайёрланган. Қора ранг учун бошқа, кизил ва яшил ранг учун бошқа. Уларнинг номланишида ҳам ранг катта аҳамиятга эга бўлган.



“Қолиби байт”- рўмол четига гул босиш учун ишлатилган қолиб

Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари ўртасидаги майдонда бир неча яхудий рангрез-чилчилар дўконлари жойлашган эди. Улар йўлнинг икки томонида, раис уйи деворлари остида, шунингдек Самарқанд дарвозаси йўли устидаги кичик Кали Фарҳод ёпик бозоридаги каторларда матоларни ранглаганлар. [6.123].

Бухоронинг асосий бозорларидан ташқари шаҳар девори чегараси яқинида турли бозорлар бўлган. Уларнинг баъзида умумшаҳар аҳамиятига эга эди. Масалан бозори Чўб шаҳарнинг шимолий дарвозасидан ташқаридаги кенг ва очиқ майдонда жойлашган бўлиб, бу ерда раста йўқ бўлиб, очиқ осмон остида савдо қилинарди. Бунда қурилиш материаллари-тайёр болор, забаррав, шифт учун васса, синж сотиларди. Бозори Чўб ёнига Бозори Дар (Эшик бозори) жойлашган бўлиб, унда тайёр эшик ва дарвозалар сотиларди. Яна Бузгунж саройида ранг билан савдо қилувчилар жойлашган эди. [6.125].

ХУЛОСА

Бугунги кунда Бухоро давлат музей-кўриқхонаси сақлов фондларида 140 мингдан ортиқ экспонат сақланади. Бу экспонатлар ичида бадий ёғоч ўймакорлиги буюмлари ажралиб туради. Айниқса манғит амирлари ёзги саройи бўлмиш “Ситораи Мохи-хосса”да турган ёғочдан тайёрланган сарой анжомлари, залларнинг беағи ҳамда ёғоч эшиклари XX аср бошида Бухоро ёғоч ўймакорлиги анча ривожланганлигидан дарак беради. Ҳозирда “Нақшбандия тариқати” музейи кўргазмасидан ўрин олган Сайфиддин Боҳарзий ёғоч сағонаси (XIV аср) ҳамда Улуғбек мадрасаси кириш дарвозаси китобаси (XV аср) музейга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳга кизиқиш уйғотмоқда. Исломи санъати ёғоч ўймакорлиги буюмлари орқали ҳам кенг тарқалган. Ушбу экспонатлар йиллар ўтсада ўз аҳамияти ва қадрини йўқотмайди. XX аср бошларида Бухоро ва унинг атрофларида ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланган дурезгар усталар қолдирган мерос бугунги кунда музей экспозицияларини бойитиб турибди.

АДАБИЁТЛАР

1. Жумаева Н.Қ. Ситораи Мохи-хосса бўйлаб. – Бухоро: Бухоро, 2020. – Б. 8-9.
2. Бухоро давлат музей-кўриқхонасининг кириш китоблари (КП-1).
3. Йўлдошев Н., Қурбонов Ҳ. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи. – Бухоро: Бухоро, 2001. – Б. 73-77.
4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б. 240-242.
5. Арасланова Ф. Қадимий Бухоро музейлари. – Бухоро: Бухоро, 2015. – 74 б.
6. Ремпель Л. Далекое и близкое. – Тошкент: Гафур Ғулом, 1982. – Б. 123-125.